

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВ ЖАМШИД АБРОРОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МИЖОЗГА**  
**ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ**  
**АСОСИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**  
**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on  
economics sciences**

**Юлдашев Жамшид Аброрович**

Тижорат банкларининг мижозга йўналтирилган маркетинг  
стратегиялари асосида рақобатбардошлигини ошириш ..... 3

**Юлдашев Жамшид Аброрович**

Повышение конкурентоспособности в коммерческих банках на  
основе клиентоориентированных маркетинговых стратегий..... 27

**Yo'ldoshev Jamshid Abrovich**

Increasing competitiveness in commercial banks based on customer-  
centric marketing strategies. .... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 56

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.03/10.12.2019.I.16.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  
**АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЮЛДАШЕВ ЖАМШИД АБРОРОВИЧ**

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ МИЖОЗГА**  
**ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАРКЕТИНГ СТРАТЕГИЯЛАРИ**  
**АСОСИДА РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ**

**08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит**  
**08.00.11 – Маркетинг**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.3.PhD/Iqt755 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tsue.uz](http://www.tsue.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Жумаев Нодир Хосиятович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мустафақулов Шерзод Игамбердиевич**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Самадов Асқар Нишанович**  
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент молия институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc. 03/10.12.2019.I.16.01 рақамли илмий кенгаш асосида бир марталик илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил:100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49. Тел.: (99871) 239-28-72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 49 уй. Тел.: (99871) 239 – 28 - 72; факс: (99871) 239-43-51; e-mail: [tdiu@tdiu.uz](mailto:tdiu@tdiu.uz)

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2021 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-рақамли реестр баённомаси).

**С.К. Худойкулов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

**Б.Т. Бердияров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

**Ш.Дж. Эргашходжаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда тижорат банкларининг рақобатбардошлигини оширишнинг асосий омилларидан бири маркетинг стратегиясидир. Айниқса Глобал COVID-19 пандемияси шароитида банк хизматларидан фойдаланишнинг он-лайн шакллари истеъмолчилар томонидан тезкор ўзлаштирилиши, банкларда мижозлар билан ишлаш жараёнларида самарали инновацион маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирмоқда. «2020 йилнинг 6 ойи давомида чакана банк мижозларининг қарийб 85 фози онлайн банк хизматларидан фойдаланишган»<sup>1</sup>. Жаҳон тажрибасидан намоён бўлмоқдаки, тижорат банкларининг барқарорлигини таъминлаш ва рақобатбардошлигини оширишда мижозга йўналтирилган маркетинг стратегияси муҳим аҳамиятга эга ҳамда глобаллашув жараёнида мазкур масаланинг долзарблигини янада оширмоқда.

Жаҳон миқёсида тижорат банкларининг рақобатбардошлигини оширишда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва ундан самарали фойдаланиш бўйича кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларда асосан тижорат банкларининг иқтисодиётдаги ўрни, банк рисклари, уларнинг турлари ва моҳияти, банк ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари ҳамда банк молия тизимининг рақобатбардошлигини ошириш масалалари қамраб олинган. Бироқ мазкур тадқиқотларда тижорат банкларида мижозга йўналтирилган маркетинг стратегияси орқали уларнинг рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ долзарб муаммолар етарлича аниқланмаган. Тижорат банкларининг рентабеллигини оширишда маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва шу орқали уларнинг даромадлигини таъминлаш жиҳатлари ҳозиргача ижобий ечимини топмаган. Бу, ўз навбатида, тижорат банкларида мижозга йўналтирилган маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш юзасидан олиб бориладиган тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистонда «банклар фаолиятига рақамли технологияларни кенг жорий этиш ҳамда банклараро валюта бозори «он-лайн» платформага ўтказилиши ва банк молия бозорида рақобатни ошириш масаласи»<sup>2</sup> белгилаб олинган бўлса-да, тижорат банкларида рақобатбардошлик даражаси пастлиги ва уларнинг мижозларга хизмат кўрсатиш турларининг етарлича диверсификацияланмаганлиги, мавжуд хизматларнинг эса самарадорлиги ва натижавийлик даражаси пастлиги, танланган мижозлар тўловлари бўйича кечикишлар ва бошқа муаммолар соҳа ривожига тўсқинлик қилмоқда. Шу сабабдан ҳам, тижорат банклари рақобатбардошлигини ошириш, унга мижозга йўналтирилган маркетинг стратегиясини кенг жалб этишдаги омил ва муаммоларни ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва бу соҳада илғор хориж тажрибасидан фойдаланиш, реал ҳолатни таҳлил қилиб, муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар бериш муҳим аҳамият касб этади ҳамда танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини белгилайди.

<sup>1</sup> World Fintech Report 2020. ©2020 Capgemini. [www.capgemini.com](http://www.capgemini.com).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, 2020 йил 29 декабрь, <https://prezident.uz/uz/lists/view/4057>

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 21 декабрдаги ПҚ-4071-сон «Тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, фаолияти самарадорлигини ошириш ва кредит сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Тижорат банклари рақобат-бардошлигини оширишда ўзаро муносабатлар маркетинг стратегияларидан фойдаланишга қаратилган илмий тадқиқотларнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан<sup>3</sup> Ж.Ж.Ламбен, Ф.Котлер, М.Портер, Е.Дихтель, Е.П.Голубков, Маҳмуд, Ж.Ал.Самидай, Д.И.Баркан, А.В.Буздалин, Т.Амблер ва бошқаларнинг илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги мамлакатларида бу борада Ю.М.Вайвер, С.А.Костерина, О.И.Лаврушин, А.М.Тавасиев сингари олимлар<sup>4</sup> тадқиқотлар олиб борганлар. Мазкур олимларнинг илмий ишларида банкларда истеъмолчилар билан самарали коммуникациялар ўрнатиш ва бозорда рақобатли устунликларни шакллантиришга қаратилган илмий тавсиялар берилган.

<sup>3</sup> Ламбен Ж.Ж. Стратегический маркетинг. – СПб.: Наука, 2006 г.; Котлер Ф., Армстронг Ф., Сондерс Г., Вонг Д. Основы маркетинга – СПб.: Вильямс, 2008 г.; Майкл Е. Портер Конкурентная стратегия: Методика анализа отраслей и конкурентов. Пер. с англ. – М.: Альпина Бизнес Букс. 2005. – 454с.; Дихтель Е., Хершген Х. Практический маркетинг. Учеб. пособие / пер. с нем. Макарова А.М.: под ред. Минко И.С. – М.: Высш. шк. 1995. – 225с.; Голубков Е.П. Маркетинговые исследования: теория, методология и практика. – М.: Финпресс, 2008 г.; Mahmud, J.Al Samyda, Ibrahim, Alnawas A.M. and Rodina A. Yousif, 2010. «The Impact of Marketing Innovation on Creating a Sustainable Competitive Advantage», The Case of Private Commercial Banks in Jordan. Asian Journal of Marketing, 4: 113-130.; Баркан Д.И. Маркетинг для всех: Беседы для начинающих. – J.L.: Редакционно-издательский центр «Культ-информ-пресс» совместно с социально-коммерческой фирмой «Человек», 1991. – 256с.; Буздалин А.В. Надежность банка: От формализации к оценке, 2012. – 192с.; Амблер Т. Практический маркетинг /Пер. с англ. под общей ред. Ю.Н. Каптуревского. – СПб: Издательство «Питер», 1999. – 400 с.;

<sup>4</sup> Вайвер Ю.М. Проблемы стратегического управления системой взаимодействия с корпоративными клиентами в коммерческом банке / Ю.М. Вайвер // Вестник Академии. – 2014. – №3 (40). – С. 39-42.; Костерина Т.М. Кредитный менеджмент в банке: учебно-методический комплекс / Т.М. Костерина. – М.: Евразийский открытый ин-т, 2012. – 270 с.; Банковское дело / коллектив авторов под ред. О.И. Лаврушина, Н.И. Валенцевой. – М.: Кнорус, 2016. – 800 с.; Банковское кредитование: учебник / А. М. Тавасиев, Т. Ю. Мазурина, В. П. Бычков. – 2-е изд. – М.: НИЦ ИНФРА-М, 2015. – 366 с.;

Республикамиз банк хизматлари бозорини ривожлантиришга қаратилган мижозларга йўналтирилган маркетинг стратегиясини шакллантириш масалалари А.Бекмуродов, М.Болтабаев, Ж.Жалолов, Н.Жумаев, М.Қосимова, Ш.Эргашходжаева, У.Шарифходжаев, О.Ортиқов, З.Мустафаев, Д.Аллаёрова, Б.Мирзамайдинов, М.Абдурахманова, Г.Бекмурадова, Н.Карабаев, М. Мўминова ва бошқа кўплаб олим ва мутахассисларнинг илмий изланишларида ўз аксини топган<sup>5</sup>.

Кўрсатиб ўтилган олимларнинг иқтисодиёт фанига қўшган салмоқли ҳиссасига қарамай, уларда тижорат банклари рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг самарали фаолият юритишида рақамли технологиялардан фойдаланиш, мижозларга янги банк хизматларини тақдим этишнинг инновацион ёндашувларидан фойдаланиш, банк маҳсулот ва хизматлари кўрсатишда ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган янги хизмат турларини кенгайтириш борасида маркетинг стратегиясини ишлаб чиқиш комплекс ёндашувларининг ўзига хос йўналишларини танлаш хусусиятлари эътиборга олинмаган. Шунинг учун, тижорат банклари рақобатбардошлигини мижозга йўналтирилган маркетинг стратегиялари асосида ошириш бўйича тадқиқотлар олиб бориш долзарб вазифадир.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** тижорат банклари рақобатбардошлигини мижозга йўналтирилган маркетинг стратегиялари асосида оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

---

<sup>5</sup> Бекмуродов А.Ш. Эффективность маркетинга средств производства. Автореф. дисс. док. экон. наук. – Т. 1993; Болтабаев М.Р. Тўқимачилик саноатида маркетинг стратегияси. Монография – Т.: Фан, 2004.; Жалолов Ж. Маркетинг. – Т., 1999. – 120 б.; Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2007. –Б. 232.; Эргашходжаева Ш., Қосимова М. С., Юсупов М. Marketing. – Т.: ТДИУ, 2018. - 232 б.; Шарифходжаев У.У., Хақимов З.А. Интерактив ва рақамли маркетинг. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2019 й. 274 б.; Ортиқов О.А. Банклараро рақобат шароитида банк хизматлари ва уларни такомиллаштириш йўллари. Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати. – Т., 2009 й.; Мустафоев З.Б. Банк маркетинги – молия бозори шаклланиши ва ривожланишининг асоси. Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати. – Т., 1998 й.; Аллаёрова Д.Н. Эффективность маркетинга в деятельности коммерческих банков Республики Узбекистан. Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати. – Т., 2009 й.; Мирзамайдинов Б.М. Банк хизматида маркетинг самарадорлиги (Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолият Миллий банк мисолида). Иқтисод фанлари номзоди диссертация автореферати. – Т., 2008 й.; Бекмуродова Г. Тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишнинг инновацион маркетинг концепциясини такомиллаштириш. 08.00.11 – Маркетинг. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДИУ, 2018 йил. 9-бет; Карабаев Н.А. Тижорат банклари фаолиятини рейтинг тизими асосида баҳолашни такомиллаштириш. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДИУ. 2018 йил. 9-бет.; Мўминова М.Б. Тижорат банклари актив операцияларини бошқариш стратегиясини такомиллаштириш. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси автореферати. – Тошкент: ТДИУ, 2018 йил. 9-бет; Абдурахманова М.М. Банк хизматлари бозорида маркетинг фаолиятини ривожлантириш. 08.00.13 – «Менежмент ва маркетинг». Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация автореферати. – Тошкент: ТДИУ, 2010 йил. 14-бет.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

тижорат банкларида мижозлар билан муносабатларни ўрнатиш ҳамда мижозлар билан муносабатлар маркетингининг эмпирик тадқиқотларини шарҳлаш;

тижорат банкларида мижозлар билан ишлашнинг замонавий йўналишлари ва моделларини ўрганиш;

тижорат банкларида мижозга йўналтирилган маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг мавжуд ҳолатини таҳлил қилиш;

тижорат банкларида мижозлар билан муносабатлар ҳолатини баҳолаш бўйича методологик ёндашувларни ишлаб чиқиш;

тижорат банкларида мижозлар билан муносабатларга киришиш тизимининг мавжуд ҳолатини баҳолаш;

тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишда маркетинг имкониятлари: хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибалари ва улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш йўллари аниқлаш;

тижорат банкларида мижозлар билан ишлаш бўлимининг маркетинг бошқарув механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

тижорат банкларида мижозлар билан муносабатлар маркетинг тизимида микро ва макросегментлаш стратегияларидан фойдаланиш.

**Тадқиқот объекти** сифатида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг маркетинг фаолияти олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни тижорат банклари рақобатбардошлигини мижозга йўналтирилган маркетинг стратегиялари асосида ошириш билан боғлиқ жараёнлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида тизимли ёндашув, таҳлил ва синтез, статистик гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, иқтисодий-статистик баҳолаш, сегментлаш, рақобатдаги устунлик даражасини аниқлаш, кузатув-сўров, омилли таҳлил ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

**Диссертациянинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларининг мижозлар базаси таркибини таҳлил қилишнинг скоринг модели асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш тартибининг концептуал схемаси орқали муаммоли мижозлар салмоғини камайтириш таклиф этилган;

тижорат банкларида GAP моделини қўллаш орқали Лийкерт шкаласи асосида истеъмолчиларнинг банк хизматларидан қониқишини аниқловчи омиллар вариацияси асосланган;

мижозга йўналтирилган маркетинг стратегиясини қўллаш орқали рискларни 1,5 баробарга ҳамда ташкилий харажатларни 20 фоизга камайтириш орқали тижорат банклари рақобатбардошлигини ошириш такомиллаштирилган;

мижоз салоҳияти бўйича сегментлаш алгоритми асосида тижорат банклари барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган маркетинг сиёсати орқали рақобатбардошликни 2 баробарга ошириш таклифи асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

тижорат банкларининг мижозлар базаси таркибини таҳлил қилиш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш тартибининг концептуал схемаси таклиф этилган;



банк хизматларини тақдим этиш ва мавжуд хизматлардан истеъмолчиларнинг қониқшини аниқлаш бўйича «Servqual» моделидан фойдаланиш усули такомиллаштирилган;

жаҳон мамлакатлари тижорат банкларида кўрсатиладиган замонавий банк хизматлари таснифланган;

банкларда мижозларни салоҳияти бўйича сегментлаш ҳамда мижозларга банк хизматларини тақдим этиш алгоритмлари такомиллаштирилган;

тижорат банкининг мижозлар сиёсатини оптималлаштиришнинг намунавий режаси ишлаб чиқилган;

мижозларни микро ва макро сегментациялаш асосида оптимал банк хизматларини шакллантириш орқали самарадорликни таъминлаш имкониятлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** кўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, назарий маълумотлар расмий манбалардан олинганлиги, берилган илмий-назарий таклиф ва тавсияларнинг амалда синовдан ўтказилганлиги, ишлаб чиқилган маркетинг тадқиқот усулларини тижорат банкларининг маркетинг фаолияти амалиётига жорий этилганлиги ва натижаларнинг тижорат банклари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти диссертацияда ишлаб чиқилган назарий ва методологик асослар республикамиз тижорат банкларининг банк хизматлари бозорида рақобатбардошликни ошириш жараёнлари ҳамда уларнинг маркетинг фаолиятини ривожлантиришга қаратилганлиги, шунингдек, улардан Ўзбекистон Республикасида банк хизматлари бозорини самарали ташкил этишга доир методологик ёндашувларни ишлаб чиқишда фойдаланилади.

Таклиф этилган банк хизматлари бозорида мижозга йўналтирилган маркетинг стратегиялари ва дастурлари ҳамда ахборот базаларини шакллантиришда хизмат қилади. Тадқиқот натижалари банк хизматлари бозори фаолиятининг концептуал асосларини такомиллаштиришда, соҳанинг қисқа ва узоқ муддатларга мўлжалланган иқтисодий ривожланиш стратегиялари ва дастурларини ишлаб чиқишда кенг фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Илмий-назарий тавсиялардан «Банк хизматлари маркетинги», «Инновацион маркетинг», «Интерактив ва рақамли маркетинг», «Банк иши», «Банк фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш» ва бошқа фанларни ўқитишда ҳамда турли ўқув курсларини ташкил этишда ҳам фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тижорат банклари рақобатбардошлигини мижозга йўналтирилган маркетинг стратегиялари асосида ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банкларининг мижозлар базаси таркибини таҳлил қилиш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш тартибининг концептуал схемаси Асака АТБ ҳамда АТ Халқ банки фаолиятига жорий этилган (Асака АТБнинг 2021 йил 26 майдаги 19-01/3279-сон, АТ Халқ банкининг 2021 йил 22 майдаги 20-18/690-сон маълумотномалари). Мазкур таклиф бўйича олинган натижалар асосида «Асака» АТБнинг Тошкент шаҳар филиали ҳамда «Асака» АТБнинг

Автотранспорт филиалида мижозлар билан ишлаш бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқишда фойдаланилган. Натижада муаммоли мижозларни таҳлил қилишда ҳуқуқий ёндашувлар (чоралар) кескин қисқартирилди ва кучли маркетинг сиёсати эвазига муаммоли мижозлар салмоғи 31 %га камайтирилган;

тижорат банкларида мижозлар билан муносабатлар ҳолатини баҳолаш истеъмолчилар хизматлардан қониқишининг яширин омилларини аниқлаш имконини берувчи GAP таҳлил усулини «Асака» АТБнинг «Асака» ва «Автотранспорт» филиалларининг мижозлар бўлими фаолиятига жорий этилган («Асака» АТБнинг Тошкент шаҳар филиалининг 2021 йил 9 мартдаги 16/03/53-сон, «Асака» АТБ Автотранспорт филиалининг 2021 йил 11 мартдаги 15/08/58-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида «Тошкент шаҳар» филиали 2019 йилга нисбатан 2021 йилда банк хизматларидан фойдаланувчилар салмоғи 2,1 фоизга ва уларга кўрсатиладиган банк хизматлари ҳажми 3,1 фоизга ошган;

тижорат банкларида мижозлар билан ишлаш бўлими маркетингнинг мижозга йўналтирилган вазифалари, ходим вазифалари, ташкилий ва таҳлилий вазифаларини корпоратив маданиятнинг ички сиёсатини амалга ошириш стратегиясига киритиш таклифи «Асака» АТБ ҳамда АТ Халқ банки фаолиятига жорий этилган (Асака АТБнинг 2021 йил 26 майдаги 19-01/3279-сон, АТ Халқ банкининг 2021 йил 22 майдаги 20-18/690-сон маълумотномалари). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида «Асака» АТБнинг филиалларида мижозлар билан ишлаш бўлими менежери учун мижозга йўналтирилган вазифалар, ходим вазифалари, ташкилий ва таҳлилий вазифалари бўйича йўриқномадан мижозлар билан ишлаш бўлимлари фаолиятини ташкил этишда фойдаланилган;

тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилган маркетинг сиёсатини юритиш мижозлар салоҳияти, фаолият тармоғи, юридик шакли каби сегментлар билан ишлаш алгоритми Асака АТБ ҳамда АТ Халқ банки фаолиятига жорий этилган (Асака АТБнинг 2021 йил 26 майдаги 19-01/3279-сон, АТ Халқ банкининг 2021 йил 22 майдаги 20-18/690-сон маълумотномалари). Мазкур таклифни амалиётга жорий этиш натижасида «Асака» АТБнинг Автотранспорт филиалида савдо айланмасини тўлдириш мақсадларидаги кредит ажратмалари миқдори 2,8 фоизга, савдони молиялаштириш хизматлари салмоғи 3,4 фоизга ва ХВО хизматлари бўйича кўрсатилган банк хизматлари 3,1 фоизга ошган;

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 8 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий журналларда 3 та илмий мақола, шундан 4 та республика ва 1 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 151 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишда мижозга йўналтирилган маркетинг стратегияларининг назарий-услубий асослари»** деб номланган биринчи бобида, тижорат банкларида мижозлар билан муносабатларни ўрнатиш зарурати илмий асосланган, банкларда мижозлар билан муносабатлар маркетинги борасида жаҳон ва мамлакатимиз олимлари томонидан олиб борилган эмпирик тадқиқотлар шарҳланган. Тижорат банкларида мижозлар билан ишлашнинг замонавий йўналиш ва моделлари ёритилган.

Тижорат банкларида мижозларга йўналтирилган маркетинг сиёсатини ишлаб чиқиш зарурати, аввало, рақобатли бозорда мижозларнинг эҳтиёжларини тўлиқ қондириш ва соф рақобат шароитида даромад яратиш қобилиятини узоқ муддат сақлашга йўналтириш имкониятини ифодаловчи стратегик мақсадларни белгилашга қаратилади.

Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш, барқарорлиги ва ликвидлилигини ошириб боришни таъминлашнинг асосий шarti эса рақобатли бозор шароитида мижозларга йўналтирилган самарали маркетинг стратегияларини ишлаб чиқишан иборат. Банкларнинг рақобатбардошлигини, мижозларнинг банкка ишончини ошириш борасидаги муаммоларни аниқлашга қаратилган маркетинг сиёсатини юритиш ва уларнинг натижаларини таҳлил қилишга қаратилган маркетинг тадқиқот усулларини қўллаш самарадорлигини ошириш, улардан фойдаланишнинг назарий ҳамда услубий жиҳатларини белгилаш ҳар бир банк ходими учун зарур ва бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Маркетинг стратегияси маълум бир мақсадга йўналтирилганлиги учун банклар томонидан маркетингнинг «Р» концепциялари бўйича (product, Price, Promotion, Place) стратегик мақсадларини белгилаш амалиёти кўпроқ учрайди. Бироқ «банк – мижоз учун тамойили»нинг асосий хусусияти истеъмолчига йўналтирилган стратегияларни белгилаш, яъни маркетингнинг «С» концепциясидан (Cost, Customer needs and wants, Convenience, Communication) фойдаланишга қаратилган стратегияси эса халқаро амалиётда самарали усулдир. Банк амалиётида мижозлар билан ўзаро муносабатларини ўрнатиш, тижорат банклари рақобатбардошлигини ошириш ва уларнинг самарали фаолият юритишининг драйвери ҳисобланганлиги учун мазкур сиёсатнинг методологик асосларини яратиш лозим.

Тижорат банкларининг мижозлар билан ишлаш жараёни қуйидаги тўртта муҳим вазифага йўналтирилади: мижозни жалб этиш, уни сақлаб туриш,

ривожлантириш (ўстириш) ва фойда келтирмайдиган мижозлардан воз кечиш. Банклар мижозлар эҳтиёжини қондириш бўйича бажарилган хизмат ва омилларни баҳолашга имкон берувчи кўплаб бизнес моделлари ва назариялар ҳам мавжуд.


Анъанавий маркетинг ёндашувларига кўра олиб борилган илмий изланишлар асосан тижорат банклари операцияларининг асосий турларини, банк хизматларини амалга ошириш технологиясини такомиллаштириш усул ва механизмларини ўрганишни таъминловчи операцион томонларини ўрганиб чиқади. Бу соҳадаги назарий ва амалий тадқиқотларнинг нисбатан янги мавзуси – рақобатли банк хизматлари бозорида истеъмолчиларга йўналтирилган тамойилларни қўллаш жараёнлари Ўзбекистон олимлари томонидан назаридан четда қолган. Шунга асосланганда банк хизматлари ва маҳсулотларини сотиш маҳаллий тадқиқотларда мижозлар билан ўзаро алоқанинг зарур шакли сифатида ўрганилади, шу билан бирга мавжуд рақобатбардош салоҳиятдан фойдаланган ҳолда мижозлар билан муносабатларни оқилона ва фаол ташкил этиш тижорат банкининг даромадларини ошириш ва қўшимча иқтисодий самарани таъминлайди. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари банк тизимида мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш (CRM – customer relationship management) амалиёти кенг қўлланилди. CRM (Customer Relationship Management) ўз моҳиятига асосан дастурий маҳсулот ёки технология ҳам эмас, балки «мижозга йўналтирилганлик» ҳамда бизнесни доимий ривожлантириш бўйича мақсадли стратегияни шакллантиришга асосланган тамойилдир.

Банк хизматлари доимий ривожланиб боровчи ва янги хизмат турларига истеъмолчиларнинг эҳтиёжлари доимий ортиб боровчи соҳадир. Олимлар таҳлилига кўра Sears, Roebuck ва Co., Burger King Corp. ва бошқа АҚШнинг машҳур деб танилган компаниялари маркетингларини ўз фаолияти натижаларига кўра компанияларининг ошиб бораётган талабларига асосан улар истеъмолчилар билан қайта алоқа усуллари ёрдамида ўз мижозлари тўғрисида аниқ ва муҳим маълумотларга эришиш лозимлиги тўғрисидаги хулосага келганлар. Жаҳон амалиётида CRM бўйича амалга оширилган тадқиқотлар кенг қўламли бўлиб, уларнинг асосий концепциялари мижозлар билан самарали муносабатлар ўрнатишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган банк-молия тизимини ислоҳ қилиш ва мустақамлаш бўйича мақсадли стратегиялар банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодиётни кредитлаш кўламини кенгайтириш, кўрсатилаётган банк хизматлари спекторларини кўпайтириш, шунингдек, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда банк тизимининг ролини ошириш имконини беради. Банк хизматлари сифатини янада ошириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари билан тўлақонли ҳамкорлик муносабатларини ўрнатиш учун тижорат банкларининг иш услубларини тубдан яхшилаш, аҳоли ва хўжалик субъектларининг банк тизимида ишончли институционал ҳамкор сифатида қараш лозим.

Амалга оширилган илмий тадқиқотлар тижорат банкининг мижозлар сиёсати кўплаб элементлардан иборат эканлигини аниқлаш имконини беради. Аммо маҳаллий ва хорижий тадқиқотларда улар бир қатор таркибий қисмларга

ажратилган ва бўлинган бўлиб, бу уларни тизимлаштириш зарурлигини асослайди. Стратегик йўналишлар тижорат банкларида мижозга йўналтирилган маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришда юқорида 1-расмда келтирилган мижозлар сиёсатини ишлаб чиқиш ва баҳолаш имконини берувчи ташкилий-иқтисодий механизмни ишлаб чиқиш имконини берди.



**1-расм. Тижорат банкларининг мижозлар базаси таркибини таҳлил қилиш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш тартибининг концептуал схемаси.<sup>6</sup>**

<sup>6</sup> Муаллиф ишланмаси.

I блокда банк хизматлари бозорининг мониторингини амалга ошириш босқичлари келтирилган. Бу блок доирасида тижорат банклари мижозлар билан муносабатлар ҳолати ва рақобат муҳитини таҳлил қилиш асосий йўналишдир. Хусусан, рақобатдош банклар аниқланади; хизматлар учун тариф режалари таққосланади, шунингдек, банк хизматлари бозорида мижоз талаби хизмат турлари бўйича тарифлар асосида баҳоланади.

II блок. Банк хизматлари истеъмолчилари сегментланади. Мижозларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларнинг хулқ-атвори тўғрисида тўпланган маълумотларга асосланиб, маълум вазифалар кетма-кетлигини ҳал қилиш керак, уларнинг асосийлари қуйидагилар:

1. Банк мижозларини сегментларга ажратиш методикасини ишлаб чиқиш (сегментларни аниқлаш усуллари ва ҳоказо).

2. Қабул қилинган сегментларнинг профилларини тузинг (ижтимоий-демографик портретнинг тавсифи ва мижозларнинг одатий хатти-ҳаракатлари).

III блок. Мижозлар билан ишлаш сиёсатини аниқлаш бўйича чоратадбирларни ўз ичига олади. Танланган сегментларнинг рентабеллигини қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда баҳолаш: мижозларнинг операциялари ҳажмининг уларнинг рентабеллик даражаси бўйича фарқланишига энг катта таъсир кўрсатувчи омилларни аниқлаш; мижозлар томонидан банк маҳсулот ва хизматларидан фойдаланиш ҳолатини белгилаш; мижозларнинг сегментлар бўйича рентабеллик тенденциялари; мижозлар билан муносабатларни ривожлантириш имкониятларини аниқлаш.

IV блок. Мижозлар учун хизматларни ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш, хусусан, тариф сиёсати, маркетинг кампанияларини режалаштириш, янги маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Тижорат банкларининг мижозлар билан муносабатларини бошқариш бўйича қарорларни қабул қилиш банк менежментининг асосий вазифаси ҳисобланиб, қарор қабул қилишга имкон берувчи ташкилий иқтисодий механизмдан фойдаланиш, қарор қабул қилиш самарадорлигини оширади. Қарор қабул қилишнинг асослилигини ошириш учун тижорат банкининг истеъмолчилар сегментлари ва улар билан доимий ишлаш борасида ахборотлар базасини шакллантириб бориш лозим.

Илмий назарий фикрлар асосида тижорат банкларида мижозлар билан муносабатларни самарали ташкил этиш ва маркетинг сиёсатини юритишда сегментлаш стратегиялари, банк хизматларидан мижоздан қониқишини оширишга йўналтирилган стратегиялари, рағбатлантирувчи коммуникация стратегиялари, мижозлар билан муносабатларда мотивдан фойдаланиш, сегментлаш стратегиялари энг муҳим йўналишлар эканлиги аниқланди.

Тижорат банкларида мижозлар билан ишлаш сиёсатининг иерархияси мижозларга «содиқлик дастурлари» деб номланувчи стратегияларни шакллантириш имконини беради. Бундай дастур банкнинг ўз мижозлари билан муносабатларининг муҳим элементи ҳисобланиб, Ўзбекистон тижорат банклари амалиётида фойдаланиш самарали маркетинг сиёсатини юришни таъминлайди.

Диссертациянинг «Тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишда мижозга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш жараёнлари ҳолати» деб номланган иккинчи бобида, Ўзбекистон тижорат банкларида мижозга йўналтирилган маркетинг фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг мавжуд ҳолати таҳлили амалга оширилган. Тижорат банкларида мижозлар билан муносабатлар банк хизматлари мисолида мижозлар билан муносабатларга киришиш тизимининг мавжуд ҳолати баҳоланган.


Ўзбекистон Республикаси банк хизматлари бозорида тижорат банклари ўртасида соғлом рақобат муҳитини юзага чиқаришга қаратилган ҳаракатлар мижозлар билан ишлаш сиёсатини такомиллаштириш ва тақдим этилаётган хизмат турларини сифати ва кўламини ошириш билан бирга банк хизматлари турини кенгайтириб бориш, мижозларга қўшимча қулайликлар яратиш сиёсати асосий йўналишга айланган.

Ўзбекистон банклари миллий иқтисодиётга таъсир эта олувчи қудратли тизимга айлангунга қадар узоқ эволюцион ривожланиш йўлини босиб ўтиб, 2017 йилгача бўлган муддатларда маркетингнинг «Р» концепциялари асосида ривожланди ва амалга оширилган стратегиялар, Ўзбекистон пул-кредит сиёсатини тартибга солиш ва банкларнинг эркин рақобатга кириши учун замин тайёрлашдан иборат бўлди. 2017 йилдан бошлаб амалга оширилаётган ривожланиш стратегиялари «банк мижоз учун тамойили» асосига қурилган маркетингнинг «С» концепцияларини жорий этиш асосий йўналиш сифатида ўрганилган. Жумладан, энг муҳим йўналишлардан бири миллий валюта алмашув курсининг бозор механизмлари асосида шаклланиш тамойилларини жорий этиш орқали ички валюта бозорини босқичма-босқич либераллаштириш билан боғлиқ мақсадли йўналишларни келтириб ўтиш мумкин.

Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон тижорат банкларининг эволюцион ривожланиш жараёнларини дидуктив кузатиш натижалари эркин рақобат муҳитига мослашувчанлиги ва истеъмолчиларга йўналтирилган маркетинг тамойиллардан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга интилаётгани аниқланган. Шунингдек, Ўзбекистон банк хизматлари бозорида рақобат муҳити шиддат билан шаклланаётганлиги тижорат банкларида хизматлари сифати ва кўламини ошириш бўйича қатор ишлар амалга ошириш муаммосини қўйган. Глобаллашув жараёни, рақобатбардошликнинг ҳаддан зиёд ривожланиши, тижорат банкларининг трансформация жараёнини янада фаоллаштириш, мижозларга кўрсатилаётган банк хизматларини янги босқичга олиб чиқиш заруратини ҳам юзага келтирган.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банк маълумотларига кўра, банк хизматларидан фойдаланувчилар сони ҳам йиллар мобайнида ошиб борган. Ўзбекистон банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган мижозлар ва улар ҳисобварақлари бўйича маълумотлар 2-расмда келтирилган.

Ўзбекистонда 2019 йил якуни бўйича банк мижозлари сони 1638673 ташкил этиб, 2011 йилга нисбатан 48,8 фоизга, ҳисобварақлар эса 60,8 фоизга ошган. Ўзбекистон банк депозиторлари базасида сақланаётган мижозларнинг ҳисобварақлари сони йилдан-йилга ортиб бориши кузатилаётган бўлсада, банк хизматлари бўйича аҳолининг қамров даражаси халигача юқори эмас.



**2-расм. Ўзбекистон банк депозиторлари миллий ахборотлар базасида рўйхатга олинган мижозлар ва улар ҳисобварақлари бўйича маълумот<sup>7</sup> (1 январь ҳолатига кўра).**

Юқоридагилар билан бир қаторда рақобат муҳити ва динамик ўзгарувчан бозор шароитида Ўзбекистон тижорат банкларида мижозлар билан муносабатларни бошқаришда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш муаммолари мавжуд:

халқаро молия институтларининг мамлакатга кириб келиши ва замонавий он-лайн банк хизматлари юзага келиши натижасида тижорат банкларининг функционал вазифаларини тубдан ўзгартириш ва халқаро банк хизматлари бозорига самарали интеграциясини таъминлаш;

мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улар билан самарали ишлаш усулларини жорий этиш ва таъминлаш йўли билан ҳар бир мижозга индивидуал ёндашиш билан стандарт технологиялар уйғунлига асосланган мижозлар билан ишлашнинг янги фалсафасини жорий этиш;

банк соҳасини диверсификация қилиш – банклар томонидан тақдим этилувчи хизматлар турини кенгайтириш ва маблағларни қарз олишнинг (облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни чиқариш) банкдан ташқари усулларини ривожлантириш;

замонавий технологиялар асосида ахборот технологиялари ва алоқа воситаларини ривожлантириш ва натижада молия-кредит ташкилотлари фаолиятининг минтақавий ва миллий соҳасини кенгайтириш;

маблағ жалб қилиш соҳасида ҳам, кредит хизматларини кўрсатиш соҳасида ҳам банк тизими ичида рақобатни ривожлантириш.

давлат томонидан тартибга солиш билан боғлиқ банк хизматлари бозорига нархлар рақобатининг чекланиши, шунингдек, банкнинг фойда келтирмайдиган юқори фоиз ставкалари мавжудлиги;

менежмент тизимини такомиллаштириш ва банк маҳсулоти сифатини назорат қилиш ва маҳсулотни бозорга олиб чиқиш бўйича самарали миллий маркетинг сиёсатини ишлаб чиқиш.

<sup>7</sup> Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари.



Юқоридаги муаммолар тижорат банкларида мижозлар билан муносабатлар ҳолатини баҳолаш бўйича услубий ёндашувларни ишлаб чиқиш заруратини келтириб чиқаради. Халқаро амалиётда мижозлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолашда истеъмолчилар омонатларини жалб этиш бўйича фоиз ставкасларини аниқлашга асосланган усул, омонат турларини мижозлар ва агентларнинг истаклари асосида фоиз ставкаларини белгилаш, истеъмолчиларнинг нархларни қабул қилиш Price Sensitivity Meter (PSM) модели, мижозлар билан социологик сўровлар ўтказиш, истеъмолчиларнинг тегишли банк операцияларидан қониқишини аниқлашга қаратилган маркетинг тадқиқотлари (NPS; CSI;), мижозлар рентабеллигини (Customer profitability analysis (CPA), банкка ижтимоий тармоқлардаги мурожаатномалари асосида баҳолаш усулларидан кенг фойдаланилади. Ўзбекистон тижорат банкларида, истеъмолчиларнинг банк хизматларидан қониқишини аниқлаш бўйича халигача маълум усуллардан фойдаланиш ҳолатлари аниқ бир тизимга солинмаган.

«Асака» АТБнинг янги банк хизматларини тақдим этиш ва мавжуд хизматлардан истеъмолчиларнинг қониқишини аниқлаш бўйича «Servqual» моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Ушбу модель V.Zeithaml, M.Bitner, ва D.Gremler<sup>8</sup> томонидан таклиф этилган бўлиб, мижозлар кутган ва хизмат кўрсатувчи компания ўртасида тақдим этилган бешта фарқни аниқлаш учун ишлаб чиқилган. Агар мижоз кутган натижалар банклар томонидан тақдим этиладиган хизматлардан паст бўлса, мижознинг норозилиги юзага келади. Аксинча, бу бўшлиқлар қанчалик кичик бўлса, хизмат кўрсатиш сифати яхши бўлади.

Халқаро банкларда қўлланилаётган банк хизматлари сифати бўйича «GAP» модели куйидаги омиллар таъсирини ўрганишга асосланади:

GAP 1 – Кутилган хизмат – Истеъмолчиларга истиқболли хизматлар тақдим этиш жараёнларини бошқариш ҳолати;

GAP 2 – Истеъмолчиларга истиқболли хизматлар тақдим этиш жараёнларини ҳолати;

GAP 3 – Хизматни етказиб бериш муаммоси;

GAP 4 – Хизматни етказиб беришдаги ички ва ташқи коммуникациялар;

GAP 5 – кутилган хизмат – қабул қилинган хизмат.

Тадқиқот жараёнида юқоридаги омилларни эътиборга олган ҳолда, барча омилларни аниқлаш бўйича «Servqual» саволномаси тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари бўйича ишлаб чиқилди. «Асака» АТБ мисолида таклиф этаётган хизмат турларига истеъмолчиларнинг қониқишини аниқлаш бўйича банкнинг чакана ва корпоратив мижозларидан орасида анкета сўровномалари ўтказилиб, натижалари омилли таҳлил усулидан фойдаланиш асосида аниқланди.

Истеъмолчиларнинг банк хизматларидан қониқиши бўйича танланган омиллар сифатида белгилаб олинган саволлар Лийкерт<sup>9</sup> шкаласининг 5 даражаси бўйича қабул қилинган. Лийкерт шкаласи бўйича анкета натижаларини SPSS

<sup>8</sup> Zeithaml, V., Bitner, M., & Gremler, D. (2006) Services Marketing (4th Edition). New York City, McGraw-Hill. p.15-19;

<sup>9</sup> Лийкерт шкаласи (1-3), (1-5), (1-7) бўлган сонли қийматларни қабул қилувчи, омилларни баҳолаш учун фойдаланилувчи сон қийматлар ҳисобланади.

Statistics (Statistical Package for the Social Sciences) дастурий тизимидан фойдаланган ҳолда статистик тавсифловчи кўрсаткичлари тегишли омилларга кўра ҳисобланди. Анкета саволларидан намуналар олиш учун сўровнома натижаларини SPSS Statistics дастурининг «KMO and Bartlett's test of sphericity» модули асосида Альфа Кромбахнинг ( $\alpha$ ) мақсадга мувофиқлиги текширилади.

**1-жадвал**

**Истеъмолчиларнинг банк хизматларидан қониқишини аниқловчи омиллар вариацияси<sup>10</sup>**

Компонетлар	Қабул қилинган қиймат			Ўртача квадратлар қолдиқлари йиғиндиси		
	Жами	Вариация, %	Тўпланиб борувчи қиймат, %	Жами	Вариация, %	Тўпланиб борувчи қиймат, %
Интернет банкинг	16,251	43,921	43,921	6,314	17,066	17,066
Депозитарий	2,6	7,028	50,948	5,652	15,277	32,342
Масофали банк хизматлари	2,276	6,152	57,101	4,545	12,284	44,627
Янги хизмат турлари	1,662	4,492	61,593	4,201	11,353	55,98
Кредит ва банк карталари	1,52	4,107	65,699	3,596	9,72	65,699

1-жадвал маълумотларини аниқлашда «Асака» АТБнинг мижозларидан йиғилган анкеталардаги омил сифатида қабул қилинган саволларнинг Лайкерт шкаласи бўйича олинган натижалар бўйича танлов имкониятларини тавсифловчи статистик текшириш натижалари статистик аҳамиятли ( $\alpha=0,827$ ) эканлиги  $p$  value коэффицентининг 0,05 қийматида аниқланди. Натижаларга кўра, «Асака» АТБ мижозларининг банк хизматларидан қай даражада умумий қониқиши бўйича хулослар чиқариш имконини беради. Банк мижозларининг ўрганилаётган омиллар бўйича энг яхши деб қабул қилувчилар 43 фоиз аҳамиятли бўлиб, энг яхши деб баҳоловчилар ҳисобига фақатгина 43,9 фоизга қолган омиллар эвазига эса 65,97 фоизга ўзгарар экан.

«Асака» АТБнинг мижозларининг қуйидаги хизмат турларидан умуман қониқмаслик ҳолатлари аниқланди. Жумладан банк ходимлари томонидан кредитлар бўйича тушунтирув ишлари етарли даражада олиб борилмайди, банкда пластик карталар билан боғлиқ муаммоларни ўз вақтида ва самарали ҳал этиб берилмайди, банк карталаридан фойдаланиш кўлами паст бўлиб, савдо нуқталарига етарлича банкоматлар ўрнатилмаган, кредитларни расмийлаштириш тезлиги ҳам талаб даражасида эмас.

Омилли таҳлил натижаларининг GAP таҳлилини амалга ошириш, яъни харидор талаблари хизматдан олдинги истакларини англаш имконини берди. Таҳлил натижаларига кўра, истеъмолчилар томонидан кутилган натижалар ҳақиқий ишлашдан юқори бўлмаса-да, фарқлар мавжудлиги асосланди. Хизмат турлари бўйича муаммоли жойлар аниқланиб, мижозлар нуқтаи назаридан

<sup>10</sup> SPSS Statistics дастури асосида олинган натижалар.

хизмат сифатини таҳлил қилиш имконини берувчи 5 бўшлиқни ажратиб олиш имконини берди.

**GAP 1** – Кутилган хизмат – Истеъмолчиларга истиқболли хизматлар тақдим этиш жараёнларини бошқариш. «Асака» АТБ ўз мижозларининг истакларини тушунади ва бу борада орадаги бўшлиқ сезиларли даражада юқори эмас. Бундай бўшлиқни сақлаб қолиш учун компания мижозлар билан мустаҳкам алоқа ўрнатувчи бир қатор аҳамиятга молик тадбирларни амалга ошириши лозим.

**GAP 2** – Истеъмолчиларга истиқболли хизматлар тақдим этиш жараёнларини бошқариш – хизмат кўрсатиш хусусиятлари ўртасидаги бўшлиқ юқори бўлиб, банкларда мижозлар эҳтиёжларини тушуниш муҳим аҳамият касб этиши лозим. GAP 2 мижозлар эҳтиёжлари ўйламай ишлаб чиқилган ҳолда пайдо бўлиши назарда тутилса, муаллифнинг фикрича, бундай имконият «Асака» АТБда мавжуд ҳисобланади. Бу бўшлиқни камайтириш учун банклар ўз мижозларига очиқ ва ошкоралик принциплари асосида ёндашиши лозим.

**GAP 3** – Хизматни етказиб бериш муаммоси. Банк томонидан кўрсатилаётган баъзи хизмат турлари мижозлар эҳтиёжларини қондириш учун хизматларни тақдим этмаслик жараёнида пайдо бўлаётган муаммолардир. Бу бўшлиқ асосан кўрсатилаётган хизматларнинг тезлиги пастлигида намоён бўлмоқда. Яъни истеъмолчи талаб қилаётган тезликда ишлашга банк етарлича имконияти мавжуд эмас ва бу асосан ташқи омилларга, жумладан интернет алоқасининг пастлиги, мижозларнинг кўпчилига хорижий тилларни билмаслиги сабабидан юзага чиқмоқда. Бу бўшлиқни камайтириш учун банклар мукамал хизматни етказиб бериш бўйича мақсадли стратегияларни ишлаб чиқиши, ўз ходимларни рағбатлантириши, зарур кўникма ва қизиқишларга эга ходимларни ёллаши керак.

**GAP 4** – Хизматни етказиб бериш – ташқи алоқалар. Таҳлил натижаларидан маълумки, олдинги барча бўшлиқларни ёпишнинг асосий шarti банк ўз истеъмолчилари билан самарали коммуникациясини ўрнатмаганлиги сабаб бўлмоқда. Бундай алоқанинг самарасизлиги эса истеъмолчилар томонидан янги хизмат турларини ўзлаштириш жараёнлари секинлашуви ва натижада бўлиқ кўпайиб боришига сабаб бўлмоқда.

**GAP 5** – кутилган хизмат – қабул қилинган хизмат. Таҳлил натижаларига кўра, истеъмолчиларга танлаб олинган жами 37 та омилнинг қарийб 9 тасига ижобий муносабатда эканлиги намоён бўлмоқда. Бундай ҳолатлар эса аввалги бўшлиқлар, кутилган хизматлар ва истеъмолчи томонидан қабул қилинган хизмат тушунчаси ўртасидаги фарқ юқорилигидан далолат беради.

Диссертациянинг «**Тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишда мижозга йўналтирилган маркетинг стратегияларидан фойдаланиш йўллари**» деб номланувчи учинчи бобида, тижорат банклари рақобатбардошлигини оширишда маркетинг имкониятлари хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси ўрганилиб, улардан Ўзбекистон шароитида фойдаланиш йўллари таклиф этилган. Тижорат банкларида мижозлар билан ишлаш бўлимида маркетинг фаолиятини амалга ошириш алгоритми ишлаб чиқилган. Ўзбекистон

тижорат банкларида мижозлар билан муносабатлар маркетингида стратегик қарорлар қабул қилишнинг услубий асослари яратилган.

